IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 22 Issue 01 IYUN 2026

ҚЎРИҚЛАНАДИГАН ОБЪЕКТЛАРНИНГ КИБЕРХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК АСОСИ СИФАТИДА НЕУСТОЙКА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси мустақил изланувчиси
Саидов Баходирхўжа Носирхўжаевич
bahodirxujasaidov@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари таҳлил қилинган. Хусусан, неустойка ва зарарни қоплаш институтларининг ҳуқуқий табиати, уларнинг ўзаро нисбати ҳамда киберхавфсизлик соҳасида қўлланиш хусусиятлари ўрганилган. Фуқаролик кодексининг неустойка ва зарарга оид нормалари қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартномалар нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, рақамли муносабатларда юзага келадиган ҳуқуқий муаммолар ва бўшлиқлар аниқланган. Шунингдек, киберинцидентлар натижасида етказиладиган зарарларни қоплаш, шартномавий неустойкани белгилаш ҳамда профессионал киберхавфсизлик хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг жавобгарлигини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: Қўриқлаш шартномаси, киберхавфсизлик, қўриқланадиган объект, шартномавий жавобгарлик, неустойка, зарар, киберинцидент, ахборот хавфсизлиги, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, айб, сабабий боғланиш, рақамли ҳуқуқ, киберҳужум, маълумотларни ҳимоя қилиш, рискка асосланган жавобгарлик.

Шартномавий жавобгарликнинг муҳим шакллари бўлган неустойка ва зарарни қоплаш институтларининг ҳуқуқий табиати, уларнинг ўзаро нисбати ҳамда киберхавфсизлик муносабатларида қўлланиш хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Чунки неустойка бир томондан шартнома интизомини таъминлаш ва ҳуқуқбузарни эҳтиёткорликка ундаш вазифасини бажарса, зарарни қоплаш институти кредиторнинг бузилган мулкий манфаатларини тиклашнинг асосий ҳуқуқий механизми ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартномалар бўйича неустойка ва зарарнинг қўлланиш тартибига доир махсус нормаларнинг мавжуд эмаслиги мазкур соҳада ҳуқуқий бўшлиқларни келтириб чиқармоқда. Бу эса рақамли муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартнома мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик асоси сифатида неустойка ва зарар институтларининг ҳуқуқий моҳиятини тадқиқ этиш, уларнинг қўлланиш механизмини такомиллаштириш ҳамда миллий қонунчиликни рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу эса фуқаролик ҳуқуқида киберхавфсизлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмларини шакллантиришга хизмат қилади.

Х.Раҳмонқуловнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик — бу ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган санкция бўлиб, у ҳуқуқбузар учун субъектив фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки унга янги ёхуд қўшимча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни юклаш кўринишидаги салбий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради[1]. Х. Раҳмонқуловнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган санкция сифатида талқин қилиши қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик масаласини таҳлил қилишда муҳим назарий аҳамият касб этади. Олимнинг фикрича, жавобгарликнинг моҳияти ҳуқуқбузар учун муайян салбий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаришдан иборат бўлиб, бу оқибатлар субъектив ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёки унга янги ёхуд қўшимча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар юклаш орқали намоён бўлади. Мазкур ёндашув анъанавий шартномавий муносабатларда ўзининг тўлиқ тасдиғини топса-да, киберхавфсизлик соҳасида унинг мазмуни янада кенгайиб, ўзига хос хусусият касб этади.

Қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартномаларда неустойка ва зарарни қоплаш айнан Х. Раҳмонқулов таъкидлаган салбий ҳуқуқий оқибатларнинг ҳуқуқий ифодаси сифатида намоён бўлади. Масалан, киберхавфсизлик хизмати кўрсатувчи ташкилот ахборот тизимларини мониторинг қилиш, кибертаҳдидларни аниқлаш ёки маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида киберинцидент содир бўлган тақдирда, унга нисбатан неустойка қўлланилиши мумкин. Бу ҳолатда неустойка ҳуқуқбузар зиммасига шартномада назарда тутилмаган қўшимча мулкий мажбуриятни юклайди. Демак, неустойка жавобгарликнинг жазоловчи ва профилактик функциясини амалга оширади ҳамда Раҳмонқулов назариясидаги «янги ҳуқуқий мажбурият юклаш» мезонига тўлиқ мос келади.

Бироқ киберхавфсизлик соҳасида жавобгарликни фақат санкция сифатида тушуниш масаласи муайян баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Чунки мазкур муносабатларда зарарни қоплашнинг вазифаси ҳуқуқбузарни жазолашдан кўра кўпроқ кредиторнинг бузилган мулкий манфаатларини тиклашга қаратилган. Масалан, маълумотлар базасининг бузилиши натижасида буюртмачи маълум миқдорда молиявий йўқотишларга учраган бўлса, зарарни қоплашнинг асосий мақсади ҳуқуқбузарни жазолаш эмас, балки кредиторни ҳуқуқбузарлик содир этилгунга қадар бўлган мулкий ҳолатига қайтаришдан иборат бўлади. Шу нуқтаи назардан, айрим цивилистлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг моҳиятини санкцияда эмас, балки компенсацияда деб ҳисоблайдилар.

Бизнинг назаримизда, қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартномаларда неустойка ва зарар турли ҳуқуқий вазифаларни бажаради. Неустойка, биринчи навбатда, ҳуқуқбузар учун қўшимча мулкий юклама яратиш орқали шартнома интизомини таъминлашга хизмат қилади. Шу жиҳатдан у Х. Раҳмонқулов таъкидлаган санкция концепциясига тўлиқ мос келади. Зарарни қоплаш эса асосан компенсацион хусусиятга эга бўлиб, кредиторнинг бузилган мулкий манфаатларини тиклашга қаратилган. Демак, киберхавфсизлик муносабатларида жавобгарликнинг ҳуқуқий табиати икки ёқлама хусусиятга эга: бир томондан у ҳуқуқбузар учун салбий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради, иккинчи томондан эса кредиторнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилади.

[1]Раҳмонқулов Ҳожи-Акбар. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). /Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртлари "Хусусий ҳуқуқ" йўналиши магистратура талабалари учун. –Т.: ТДЮИ, 2005 й. Б,238

Айниқса, киберхавфсизлик соҳасида мазкур ёндашув янада муҳим аҳамият касб этади. Чунки киберинцидентлар оқибатида келиб чиқадиган зарарлар кўпинча катта ҳажмда бўлиб, уларнинг бир қисми иқтисодий йўқотишлар, бошқа қисми эса маълумотлар хавфсизлигининг бузилиши, рақамли активларнинг йўқолиши ёки ишчанлик обрўсига путур етиши кўринишида намоён бўлади. Бундай шароитда неустойка ҳуқуқбузарни эҳтиёткорликка ундаш вазифасини бажарса, зарарни қоплаш кредитор манфаатларини тиклашнинг асосий ҳуқуқий воситаси бўлиб қолади.

Шу сабабли Х. Раҳмонқуловнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни санкция сифатида баҳолаш ҳақидаги позицияси қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартномаларда неустойка институтини тушунтириш учун назарий жиҳатдан асосли ҳисобланади. Бироқ зарарни қоплаш институтига нисбатан мазкур ёндашувни мутлақ қўллаш мумкин эмас. Чунки зарарни қоплашнинг асосий вазифаси ҳуқуқбузарни жазолаш эмас, балки кредиторнинг бузилган мулкий ҳолатини тиклашдан иборатдир. Шу боис киберхавфсизлик соҳасида неустойка ва зарарни ягона санкция сифатида эмас, балки жавобгарликнинг жазоловчи ва компенсацион функцияларини амалга оширувчи ўзаро боғлиқ, аммо мустақил ҳуқуқий механизмлар сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ёндашув рақамли иқтисодиёт шароитида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг замонавий мазмунини тўлароқ акс эттиради.

Қўриқлаш шартномаларида мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик тўғрисида ФКда махсус норма мавжуд эмас. Фақатгина ЎРҚ-778-сонли Қонуннинг 17-моддасида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар умумий асосда кўрсатиб ўтилган. Мазкур нормага кўра, **қ**ўриқлаш хизматларини кўрсатишга доир шартномага мувофиқ қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида қўриқланадиган объектга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаши шарт. Зарарнинг ўрнини қоплаш миқдори ва шартлари қўриқлаш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги икки томонлама шартномада белгиланади. Қўриқлаш фаолиятини шартнома тузмасдан амалга оширувчи субъектларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида қўриқланадиган объектга зарар етказилган тақдирда жавобгарлик қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

А.В.Мильковнинг таҳлилига кўра, қўриқлаш шартномаларини тузишда тарафлар ижрочи, яъни қўриқлаш ташкилотининг жавобгарлик асосларини алоҳида белгилаб қўядилар. Бу эса айрим муаллифларга идорадан ташқари қўриқлаш бўлинмаларининг жавобгарлиги ўзига хос хусусиятга эга, деган хулосага келиш имконини берган. Уларнинг фикрича, бундай ташкилотлар қўриқлаш шартномасини лозим даражада бажармаганлик оқибатида юзага келган барча зарарлар учун эмас, балки фақат муайян усуллар билан етказилган зарарлар учун жавобгар бўлади. Бундай зарарларга қўриқланаётган объектлардаги хоналар, қулфлар, эшиклар, деразалар, витриналар ва тўсиқларни бузиб кириш орқали содир этилган ўғирликлар; қўриқлашнинг лозим даражада таъминланмаганлиги ёки қўриқланаётган объектдан товар-моддий бойликларни олиб чиқиш (ёки олиб кириш) тартибининг таъминланмаганлиги натижасида содир этилган талон-торожликлар; босқинчилик ёки қароқчилик ҳужуми йўли билан амалга оширилган ўғирликлар; шунингдек, қўриқланаётган объектга кирган бегона шахслар ёки идорадан

ташқари қўриқлаш ходимларининг айби билан бошқа сабабларга кўра мол-мулкнинг йўқ қилиниши ёки шикастланиши киради[2].

ФКнинг 325-моддасида неустойка ва зарарнинг ўзаро нисбатига оид умумий қоида мустаҳкамланган бўлиб, ушбу нормага кўра неустойка ва зарарни қоплаш каби жавобгарлик турлари вужудга келади. Мазкур норма мазмунини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, қонун чиқарувчи неустойканинг яъни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг тўртта турини – ҳисобга ўтказиладиган, жаримали, алоҳида, муқобил неустойкаларни назарда тутади.

Миллий цивилист олимлар томонидан неустойканинг мазкур турларига қуйидагича таъриф берилган:

1) Ҳисобга ўтказиладиган неустойка – агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади.

2) Жаримали неустойка – кредиторга неустойканинг ўзини, шунингдек неустойкадан ташқари зарарни ҳам тўла ҳажмда ундириш ҳуқуқини беради.

3) Мутлақ (алоҳида) неустойка – кредиторга зарарни ундирмасдан, балки неустойкани ундириб олиш ҳуқуқи берилади.

4) Муқобил (баҳоланадиган) неустойка – кредиторга неустойкани ундириш ёки мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли кўрилган зарарларни ундириш ҳуқуқи берилади. Муқобил неустойка кредиторнинг кўрган зарарларини қоплашга қаратилиб, кредитор неустойкани ундиришдан бош тортишга ва кўрган зарарларининг тўланишини талаб қилишга ҳақли[3].

Ушбу конструкциялар анъанавий мулкий муносабатларда, хусусан мол-мулкни етказиб бериш, пудрат ишларини бажариш, ташиш ва сақлаш шартномаларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бироқ қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартномаларнинг ўзига хос хусусиятлари мазкур неустойка турларининг самарадорлигини қайта баҳолашни тақозо этади.

Аввало, ҳисобга ўтказиладиган неустойка киберхавфсизлик соҳасида маълум даражада қўлланилиши мумкин. Чунки киберхавфсизлик хизматини кўрсатувчи ташкилот ахборот тизимларини мониторинг қилиш, заифликларни ўз вақтида бартараф этиш ёки киберинцидентларга жавоб қайтариш бўйича мажбуриятларини бузганда кредитор шартномада белгиланган неустойкани, шунингдек унинг билан қопланмаган зарар қисмини ҳам талаб қилиши мумкин. Бироқ мазкур механизмнинг асосий камчилиги шундаки, киберхавфсизлик соҳасида ҳақиқий зарарни ҳисоблаш жуда мураккаб ҳисобланади. Масалан, шахсий маълумотларнинг тарқалиши, тижорат сирининг ошкор бўлиши ёки рақамли платформанинг ишдан чиқиши натижасида келиб чиққан иқтисодий йўқотишларни аниқлаш ҳар доим ҳам имкони бўлмайди. Шу сабабли ҳисобга ўтказиладиган неустойка киберхавфсизлик муносабатларида чекланган самарадорликка эга.

---

[2]Мильков А.В. Договор охраны по российскому гражданскому праву. дисс. ... кан.юрид.наук. Москва – 2007. С.107.

[3] Фуқаролик ҳуқуқига кириш. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Тошкент -2024. Б 372.

Жаримали неустойка эса киберхавфсизлик шартномалари учун энг мақбул моделлардан бири ҳисобланади. Чунки мазкур ҳолатда кредитор неустойкани ҳам, зарарни ҳам тўлиқ ҳажмда талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Киберхавфсизлик соҳасида зарарнинг оқибатлари кўпинча катта миқёсга эга бўлади. Масалан, маълумотлар базасининг бузилиши натижасида миллионлаб фойдаланувчиларнинг маълумотлари тарқалиб кетиши мумкин. Бундай вазиятда шартномада белгиланган оддий неустойка ҳақиқий зарарни қоплаш учун етарли бўлмайди. Шу сабабли жаримали неустойка ижрочини юқори даражада эҳтиёткорликка ундайди ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган профилактик таъсирни кучайтиради.

Мутлақ (алоҳида) неустойка модели эса киберхавфсизлик соҳасида энг баҳсли механизм ҳисобланади. Чунки мазкур ҳолатда кредитор фақат неустойкани талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳақиқий зарарни ундириш имкониятидан маҳрум бўлади. Бу эса киберхавфсизлик хизматларининг табиатига мос келмайди. Масалан, киберхавфсизлик провайдерининг хатоси туфайли банк тизими ишдан чиқиб, миллиардлаб сўм зарар етказилган бўлса, шартномада белгиланган нисбатан кичик миқдордаги неустойка билан чекланиш адолат тамойилига зид бўлади. Шу боис киберхавфсизлик соҳасида мутлақ неустойкани қўллаш кредитор ҳуқуқларини сезиларли даражада чеклайди.

Муқобил неустойка ҳам киберхавфсизлик муносабатларида муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Унинг моҳиятига кўра кредитор ё неустойкани, ёки зарарни танлаши лозим бўлади. Бироқ киберхавфсизлик соҳасида зарар миқдори аксарият ҳолларда бир неча ой ёки ҳатто йиллар ўтгач аниқланиши мумкин. Масалан, маълумотлар тарқалиши натижасида келиб чиққан репутацион зарар ёки мижозлар оқимининг камайиши дарҳол намоён бўлмайди. Агар кредитор дастлаб неустойкани танлаб қўйса, кейинчалик аниқланган катта ҳажмдаги зарарни ундириш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин. Шу сабабли муқобил неустойка ҳам киберхавфсизлик шартномаларининг хусусиятига тўлиқ жавоб бермайди.

Бизнинг назаримизда, қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартномалар учун ФКнинг 325-моддасида назарда тутилган неустойка турлари орасида энг мақбул механизм жаримали неустойка ҳисобланади. Чунки айнан мазкур модель бир томондан шартнома интизомини таъминласа, иккинчи томондан кредиторга ҳақиқий зарарни ҳам қоплаш имконини беради. Киберхавфсизлик соҳасида зарарнинг кўлами ва хусусияти олдиндан аниқ белгиланиши қийин бўлганлиги сабабли кредиторни фақат неустойка билан чеклаш ёки уни неустойка ва зарардан бирини танлашга мажбур қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Шу муносабат билан қонунчиликка қуйидаги таклифни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: *"Қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ёки маълумотлар хавфсизлиги бузилган ҳолларда кредитор шартномада белгиланган неустойкани ҳам, унинг билан қопланмаган зарарни ҳам тўлиқ ҳажмда ундириш ҳуқуқига эга. Бундай шартномаларда кредиторнинг ҳақиқий зарарни ундириш ҳуқуқини истисно қилувчи шартлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади."*

Мазкур норма киберхавфсизлик соҳасидаги юқори хавф даражаси, зарарларнинг кўп қиррали хусусияти ва ижрочининг профессионал мақомини ҳисобга олган ҳолда кредитор манфаатларини кучлироқ ҳимоя қилишга хизмат қилади ҳамда рақамли иқтисодиёт

шароитида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштиришга қаратилган муҳим қадам бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ФКнинг 330-моддаси фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ва мажбуриятни асл ҳолида бажариш ўртасидаги ўзаро муносабатни тартибга солувчи муҳим нормалардан бири ҳисобланади. модданинг биринчи қисмига кўра, агар мажбурият лозим даражада бажарилмаган бўлса, неустойка тўлаш ёки зарарни қоплаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди. Бу қоида киберхавфсизлик шартномалари учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Масалан, киберхавфсизлик провайдери ахборот тизимларини суткалик мониторинг қилиш мажбуриятини олган бўлса, аммо мазкур мониторингни белгиланган техник стандартларга мувофиқ амалга оширмаганлиги сабабли тизимда заифликлар сақланиб қолган бўлса, буюртмачи неустойка ёки зарарни талаб қилиш билан бир қаторда мониторинг тизимини лозим даражага келтиришни ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ерда жавобгарлик чораси асосий мажбуриятнинг ўрнини босмайди, балки унга қўшимча ҳуқуқий оқибат сифатида намоён бўлади. Бироқ киберхавфсизлик муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, "мажбуриятни асл ҳолида бажариш" тушунчаси анъанавий шартномалардаги каби эмас. Масалан, қурилиш шартномасида нуқсонли қурилган объектни қайта қуриш ёки олди-сотди шартномасида топширилмаган товарни етказиб бериш орқали мажбуриятни асл ҳолида бажариш мумкин. Киберхавфсизлик соҳасида эса маълумотлар бир марта тарқалиб кетганидан кейин уларни "тарқалмаган ҳолатга" қайтариш амалда мумкин эмас. Тижорат сири ёки шахсий маълумотлар интернетга чиқиб кетган бўлса, зарарни тўлаш мумкин, аммо ҳуқуқбузарликгача бўлган ҳолатни тўлиқ тиклаш аксарият ҳолларда имконсиз ҳисобланади. Бироқ киберхавфсизлик муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, "мажбуриятни асл ҳолида бажариш" тушунчаси анъанавий шартномалардаги каби эмас. Масалан, қурилиш шартномасида нуқсонли қурилган объектни қайта қуриш ёки олди-сотди шартномасида топширилмаган товарни етказиб бериш орқали мажбуриятни асл ҳолида бажариш мумкин. Киберхавфсизлик соҳасида эса маълумотлар бир марта тарқалиб кетганидан кейин уларни "тарқалмаган ҳолатга" қайтариш амалда мумкин эмас. Тижорат сири ёки шахсий маълумотлар интернетга чиқиб кетган бўлса, зарарни тўлаш мумкин, аммо ҳуқуқбузарликгача бўлган ҳолатни тўлиқ тиклаш аксарият ҳолларда имконсиз ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, киберхавфсизлик шартномаларида мажбуриятни асл ҳолида бажариш тушунчасини кенг талқин қилиш зарур. Бизнинг фикримизча, мазкур соҳада асл ҳолида бажариш қуйидаги ҳаракатларни ҳам ўз ичига олиши лозим: бузилган ахборот тизимини тиклаш, маълумотларни резерв нусхалардан қайта тиклаш, аниқланган заифликларни бартараф этиш, зарарли дастурий таъминотни йўқ қилиш, хавфсизлик инфратузилмасини қайта қуриш, киберинцидент оқибатларини минималлаштириш, қайта ҳужумларнинг олдини олиш чораларини жорий қилиш. Демак, киберхавфсизлик муносабатларида мажбуриятни асл ҳолида бажариш фақат шартномада назарда тутилган хизматни кўрсатиш эмас, балки ахборот тизимининг хавфсиз ишлаш қобилиятини тиклашни ҳам англатиши керак.

Мазкур таҳлилдан келиб чиқиб, ФКнинг 330-моддаси киберхавфсизлик муносабатларига тўлиқ мослаштирилмаган деган хулосага келиш мумкин. Норма анъанавий ашёвий ва мулкий муносабатларга мўлжалланган бўлиб, рақамли объектларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайди.

Шу муносабат билан қонунчиликка қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ: "Қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартнома бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда зарарни қоплаш ёки неустойка тўлаш

ижрочини ахборот тизимларини тиклаш, аниқланган заифликларни бартараф этиш, маълумотларни қайта тиклаш ва киберинцидент оқибатларини минималлаштириш бўйича зарур чораларни кўриш мажбуриятидан озод қилмайди, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса.”